

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ ХОЛМУЎМИН НАМАЗОВИЧ

**НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ НАСРИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ
МУАММОСИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Файзуллаев Холмўмин Намазович

Нормурод Норқобилов насрида инсон ва табиат муаммосининг поэтик
талқини..... 5

Файзуллаев Холмўмин Намазович

Поэтическая интерпретация проблемы человека и природы в прозе
Нормурада Норқобилова..... 23

Fayzullaev Kholmomin Namazovich

Poetic interpretation of man and nature in the prose by Normurod Norkobilov 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ ХОЛМУЎМИН НАМАЗОВИЧ

**НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ НАСРИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ
МУАММОСИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1047** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўракулов Узок Ҳайдарович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори, профессор

Холмуродов Абдуҳамид
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат педагогика университети


Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети биноси, 102-хона.


Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "28" август кuni тарқатилди.
(2021 йил "28" август даги 6 рақамли реестр баённомаси).




Н. Н. Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.


Г. Н. Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.


Д. Тўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиётшунослигида инсон ва табиат муаммосининг поэтик талқини, бу йўналишда ижод этилган лирик, эпик ва драматик асарларни ўрганиш, инсон ва табиат муаммосининг бадиий, фалсафий хусусиятларини белгилаш, эстетик категорияларини тайин этишда муҳим илмий натижалар қўлга киритилмоқда. Адабиётшуносликда табиат ҳодисаларининг одам кўнглидаги исён, буюк эҳтирослар рамзи сифатида тасвирлаш, руҳан одам ёки одамлаштирилган табиат образини яратиш, инсон ва табиат уйғунлигини идеал руҳий мақом сифатида талқинлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида инсон ва табиат муаммоси фақат бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий муаммо эмас, айти пайтда экологик, иқтисодий, психологик, умуммаданий муаммо сифатида глобал тушунчага айлангани юзасидан аҳамиятли илмий-назарий қарашлар илгари сурилмоқда. Айти ҳолат жаҳон халқлари адабиёти намуналарида жамиятдан жабр кўриб табиат паноҳига интилаётган, наботот, жамодот, хайвонот олами билан дардлашаётган, асл ўзлиги томон йўл излаётган одам образларида яққол намоён бўлаётганлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослиги табиат ва жамият муносабатларининг бадиий-эстетик талқини масаласини алоҳида ижодкорлар асарлари мисолида тадқиқ этиш, хусусан, уларни образ, характер, персонаж руҳий олами контекстида ўрганиш борасида сўнгги йилларда муайян тажриба тўпламоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор экан”¹лигидан келиб чиққан ҳолда ўзбек адабиётшунослигида инсон ва табиат муносабатларининг сўз санъатида акс этиши муаммоси, миллий қадриятларга қайтилаётгани, ахлоқий нормалар халқимизнинг буюк тарихи мезонлари доирасида қайта тикланаётганини очиб бериш, инсоннинг шахслик мақоми, миллат ва ватан тақдирига алоқадорлиги масалаларини аниқлаш илмий-амалий жиҳатдан долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузаси ва соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон ва табиат муаммосининг бадиий адабиётда тасвир этилиши масаласи жаҳон ва рус адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган бўлиб, бу борада бир қатор тадқиқот ишлари яратилган².

Табиат ва инсон тасвири масалалари Ҳоди Зарифов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев, Йўлдош Солижонов, Дамин Тўраев, Бойназар Йўлдошев, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов, Ислонжон Ёқубов, Умида Расулова каби адабиётшунос, фольклоршунослар томонидан адабий танқид, адабий жараён, поэтик талқин усули, табиат тасвири, бадиий образ ва сюжет, услуб ва поэтик деталларнинг қўлланиши сингари илмий-назарий муаммолар атрофида, илмий мақолалар, илмий шарҳ ва обзорлар, кичик тадқиқотлар тарзида ўрганилган. Айни пайтда, инсон ва табиат муаммосига доир назарий жиҳатлар, Н.Норқобилов асарларининг ижтимоий аҳамияти, миллий анъаналар билан боғлиқлиги, услубий хусусиятлари, муайян адабий жанр тақомилига оид ютуқлари муайян илмий тадқиқотлар доирасида ёритилмоқда³.

² Қапанг: Азапова Н.И. Засолимский П.В. Краткая литературная энциклопедия. – М.: Сов. Энциклопедия. 1964. – 998 с. Альберт И.Л. О некоторых особенностях изображения природы в русской прозе 1910-х гг // Вопросы русской литературы. – М., 1989. Вып. 1 (24): – 42-50 с. Ансеньев К.К. Пейзаж в современном романе // Критические этюды по русской литературе. – Т. 1-2. Т. 2. Спб., 1888. – 294-335 с. Бопзенко С.Г. Тургенев и природа // Вопросы русской литературы. – Львов, 1976. Вып. 2 (28). – 31-37 с. Бурилова Н.А. Национальное своеобразие решения проблемы человека и природы в прозе Г.А. Юшкова // Труды ИЯЛИ. Вып. 26. 1982. – 46-52 с. Гринфельд Зингерс. Т. Я. Природа в художественном мире М.М. Пришвина. – Саратов: Изд-во Саратовского ун-та. 1989. – 196 с. Гурленова Л.В. Чувство природы в русской прозе 1920-1930 х годов. – Сыктывкар: Сыктывкарский ун-т, 1998. – 179 с. Костюхин Е.А. Типы и формы животного эпоса. – М.: Главная редакция Восточной литературы. 1987. – 270 с. Азыркина Е.И. Человек и природа в мордовской прозе. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Саранск, 1996. – 24 с. Бахова Э.А. Традиции русской литературы в осмыслении темы «человек и природа» в литературах народов северного Кавказа. Автореф.дис. канд.филол. наук. – Нальчик, 2005. – 20 с. Кипкеева Р.Э. Проблема природы и человека в Севернокавказской литературе: влияние литературных традиций и национальное своеобразие. Автореф. дис.канд.филол. наук. – Майкоп, 2020, – 25 с. Легонькова В.Б. Человек и природа в романе Л.Н. Толстого “Война и мир”. Дис.канд. филол. наук. – М., 2001. –187 с. Шаповалова Э.А. Природа как объект художественного осмысления (на материале украинской советской прозы 1917-1980 гг.). Дис. доктора филол. наук. – Днепрпетровск, 1983. – 179 с.

³ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАКБТ, 2007. – 345 б.; Расулов А. Шайдолик /Норқобилов Н. Бўрон кўпган кун: Қисса ва хикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 3-6 б.; Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб...– Тошкент: Манавият, 1998. – 63 б.; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Гафур Ғулум нашриёти, 2015. – 356 б.; Жўрақулов У. Оталар фалсафаси ёхуд идиллик насл хақида // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2020. – №3. – 160-168 б.; Имомова Г. Анъаналар сатҳидаги бадиий синтез. // Шарқ юлдузи, 2010, – №5. – 160-164 б.; Имомова Г. Адабий-бадиий синтез муаммолари. Уқув-услубий қўлланма. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2012. – 12-23 б.; Расулова У. Биринчи жумла масъулияти //Шарқ юлдузи, 2004. – №6. – 58-65 б.; Гиладов А. От образ: тарих, таҳлил ва талқин. Монография. – Тошкент: Сан-стандарт, 2021. – 160 б.; Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 38-39б.; Ҳамроев К. Шукур Холмирзаев хикояларида композиция. – Тошкент: Мухаррир, 2012. – 55 б.; Ҳамроев К. Хикоя композицияси. Монография. – Тошкент: Nurafshon business, 2020. – 140 б.; Расулова У. XX аср ўзбек киссачилиги (поэтик изланишлар ва таваққилт тамойиллари): Филол. фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 68 б.; Яқубов И.А. Мураккаб даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фанл. докт. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 28 б.; Йўлдошев Б. Қашқадарё адиблари. – Тошкент: Олтин нашр, 2020. – 223 б.; Қосимов У. Адабий-эстетик таваққур тадрижи: аънавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида): Филол. фанл. докт. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 30 б. ва бошқ.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёзувчи асарлари бир бутун бадиий тизим тарзида, ягона монографик муаммо доирасида махсус тадқиқ этилмаган. Н.Норқобилов ижодининг замонавий адабий жараён билан муштарак жиҳатлари, асарларининг умумий кўлами махсус ўрганилмаган, илмий-таснифий нуқтаи назардан тизимга солинмаган. Ёзувчи асарларидаги жанрлараро тадриж масаласи, сюжетларнинг ўзига хослиги, образлар мозаикаси, асарларидаги индивидуал бадиий талқин муаммоси илмий асосда ёритиб берилмаган. Хусусан, инсон ва табиат муаммосининг ёзувчи насрида бадиий талқин этилиши алоҳида илмий масала сифатида таҳлилга тортилмаган. Буларнинг барчаси Н. Норқобилов насрини индивидуал бадиий тизим сифатида монографик тадқиқ этиш заруратини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОФ-07 “Адабиётшуносликнинг назарий масалалари ва фольклоршунослик муаммоларини тадқиқ этиш” (2017-2021 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Н. Норқобилов ҳикоя, қисса ва романларида ўзбек адабиётида инсон ва табиат муаммосининг тадрижий талқин этилиш усулларидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёзувчи Н.Норқобиловнинг ҳикоя, қисса, роман жанрига оид асарларини инсон ва табиат муаммосига кўра илмий таснифлаш;

инсон ва табиат уйғунлиги муаммосининг адабий-эстетик, ижтимоий-фалсафий омилларини аниқлаш, муаммонинг замонавий ўзбек насри контекстидаги ўрнини белгилаш ва тадрижий ёритиш;

Н.Норқобилов ҳикоя ва қиссаларида инсон ва табиат образининг бадиий жиҳатдан уйғун талқин этилишини илмий асослаш, улардаги реалистик, натуралистик тасвир хусусиятларини очиб бериш;

инсон ва табиат муаммосининг роман образлари ва роман концепциясида намоён бўлиш хоссаларини аниқлаш;

ёзувчи ижодида инсон ва табиат тасвиридаги етакчи поэтик муаммолар юзасидан илмий-назарий ва амалий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёзувчи Н.Норқобиловнинг “Зангори кўл”, “Унутилган кўшиқ”, “Юзма-юз”, “Сариқ гул”, “Пахмок”, “Аразчи чумчук”, “Бекатдаги оқ уйча”, “Овул оралаган бўри”, “Бўрон кўпган кун”, “Тоғдаги ёлғиз одам”, “Қора бўри”, “Четдаги одам” сингари қисса ва ҳикоялар тўпламлари, алоҳида нашр этилган асарлари, “Дашту далаларда”, “Қорақуюн” романлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Н.Норқобилов ҳикоя, қисса ва романларининг бадиий хусусиятлари тадқиқи, уларда инсон ва табиат муаммосини жанр, образ, сюжет, бадиий детал ва услуб поэтикасига кўра қай йўсинда бадиий тасвирланганини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон ва табиат уйғунлиги муаммосининг ҳозирги замон адабиётшунослигида янгича адабий-эстетик, шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш каби ижтимоий-фалсафий омиллари, муаммода замонавий ўзбек насри контекстидаги маънавий инновацияларнинг ўрни Нормурод Норқобилов асарлари асосида очиб берилган;

Нормурод Норқобилов ҳикоя ҳамда қиссаларининг бадиий ижод намунаси сифатидаги жанр хусусиятлари инсон ва табиат образи уйғун талқинида намоён бўлиши, улардаги реалистик, натуралистик тасвир хусусиятлари орқали аниқланган;

инсон ва табиат муаммосининг роман образлари ва роман концепциясида намоён бўлиш хоссалари ўзбек миллий анъаналар ва жаҳон поэтик романчилиги тажрибалари асосида аниқланган;

ҳикоя, қисса, романлар сюжети, композицион қурилиши, образлар, характер ва портретларининг бадиий таҳлили асосида ёзувчи асарларида инсон ва табиат муаммосининг уларни қўллашдаги поэтик маҳорат ва ўзига хослик даражаси асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Н. Норқобилов асарларини инсон ва табиат муаммосига кўра илмий таснифлаш натижасида ёзувчи бадиий насрининг етакчи хусусиятлари ва кўлами белгиланган;

инсон ва табиат уйғунлиги муаммосининг адабий-эстетик, ижтимоий-фалсафий омиллари, муаммонинг замонавий ўзбек насри контекстидаги ўрни Н. Норқобилов асарларини тадқиқ этишнинг илмий натижаси сифатида тадрижий ёритилган;

Н. Норқобилов ҳикоя ҳамда қиссаларининг жанр хусусиятлари, инсон ва табиат образи уйғун талқини, улардаги реалистик, натуралистик тасвир хусусиятлари кўрсатиб берилган;

инсон ва табиат муаммосининг роман образлари ва роман концепциясида намоён бўлиш хоссаларини аниқлаш натижасида янги ўзбек романи такомилли, инсон ва табиат фалсафаси масаласи юзасидан илмий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий таҳлил усуллари, назарий маълумотларни тақдим этишда конкрет илмий манбаларга таянилгани, роман, қисса ва ҳикоялар таҳлили етакчи илмий методлар воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, адабиётшуносликнинг мустақиллик даврида шаклланган янги назарий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшуносликда насрий жанрлар, уларнинг бадиияти муаммоларига оид тадқиқотларда эришилган назарий қарашлар ва хулосаларни тўлдиради, янги таҳлил йўллари ва назарий фикрлар билан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мустақиллик даври ўзбек насри, жумладан, Н. Норқобилов роман, қисса ва ҳикоялари тадқиқотлар учун материал бера олади. Олий ўқув юр்தларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабий жараён”, “Ҳозирги ўзбек танқидчилиги”, “Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)”, магистратура мутахассислигида “Ҳозирги ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабий танқид назарияси”, “Назарий поэтика” ва бошқа фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нормурод Норқобилов насрида инсон ва табиат муаммосининг поэтик талқини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нормурод Норқобилов ҳикоя ва қиссаларининг ўзбек фольклорига хос омиллари, жанр хусусиятларининг инсон ва табиат образининг уйғун талқинида намоён бўлиши улардаги реалистик, натуралистик тасвир хусусиятлари орқали асосланган хулосаларидан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” ҳамда ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаларида фойдаланилган (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 01 июлдаги 17.01.138-сон маълумотномаси). Натижада инсон ва табиат муаммосининг ёзувчи ҳикоя, қисса ва романлари образлари ва роман концепциясида қандай намоён бўлиши асосланишига эришилган;

инсон ва табиат муаммосининг роман образлари ва роман концепциясида намоён бўлиш хоссаларини аниқлаш натижасида янги ўзбек романига доир амалий таклифлар, инсон ва табиат фалсафаси масалаларига доир хулосаларидан Адиблар хиёбонида ўтказилган замонавий адабий жараён ривожига, ўзбек адабиётини мамлакатимиз ҳамда хорижда ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган, жумладан, “Ёшлар насри ва бугунги адабий жараён”, “Адабиёт ва учинчи Ренессанс”, “Хиёбон оқшомлари” сингари адабий-маърифий тадбирлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 10 июлдаги 01-03/936-сон маълумотномаси). Натижада Нормурод Норқобилов ҳикоя ҳамда қиссаларида жаҳон адабий-эстетик тафаккури синтези, адиб романида инсон ва табиат концепцияси образли намоён бўлиши, адибнинг адабий-эстетик қарашлари юзасидан билдирилган фикрларни кенг ўқувчилар оммасига етказиш имконияти яратилган;

инсон ва табиат уйғунлиги муаммосининг адабий-эстетик, ижтимоий-фалсафий омиллари, муаммонинг замонавий ўзбек насри контекстидаги ўрнини ёритишда Нормурод Норқобилов асарлари аҳамиятига доир хулосалардан “Ўзбекистон” телеканалининг “Ассалом Ўзбекистон!”, “Ижод маҳсули”, “Ибратга йўғрилган умр”, “Қалб гавҳари” ҳамда “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” ва “Тақдимот” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 июлдаги 02-14-198-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувларда инсон ва табиат уйғунлиги муаммосининг адабий-эстетик,

ижтимоий-фалсафий омиллари, Нормурод Норқобилов ҳикоя ҳамда қиссалари жанр хусусиятларининг инсон ва табиат образи уйғун талқинида ифодаланиш усуллари, инсон ва табиат муаммосининг адиб романлари образлари ва концепциясида намоён бўлиш хоссаларининг бугунги кун учун аҳамиятли бўлган жиҳатлари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ҳар бири икки фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари қайд этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инсон ва табиат муаммоси замонавий ўзбек насри контекстида”** деб номланиб, икки фаслдан ташкил топган. **“Инсон ва табиат адабий-тарихий, ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида”** мавзусидаги биринчи фаслда ушбу муаммога хос тарихий, маданий, фалсафий ва поэтик масалалар тўғрисида фикр юритилган.

Табиат ва инсон ўртасида кечадиган азалий ва абадий муносабатлар одам болаларининг талантлари томонидан санъат асарларида муҳрланиб қолдирилади. Қадимги маданиятларга тегишли бирон бир меъморий обида йўқки, у табиат кўринишларидан андоза олиб яратилмаган бўлсин. Архитектура тарихи бўйича мутахассисларнинг қайд этишларига кўра, қадимий ва йирик тамаддунлардан қолган барча меъморий ёдгорликлар ўз-ўзидан табиатда мавжуд муайян шаклга тақлиддир. Мутахассислар рақс ҳаракатларининг аксарияти табиат ҳодисаларидан олинганини айтадилар. Ҳайкалтарошликда эса асосий тасвир объекти вазифасини жониворлар ва табиат ҳодисалари бажарган. Санъатнинг энг нозик тури мусиқа ҳам табиат ҳодисалари, ҳатто жониворларга тақлид қилишдек тарихий далиллардан холи эмас. Мусиқа ноталари, товушлари ичида булбул, саъва, какку сингари қушларнинг нозик товушлари билан бир қаторда, бургут, қирғий, қарға каби нисбатан кўпол,

муסיкага ярашмайдиган табиат жонзотлари товушигача учратиш мумкин. Умуман олганда, табиат ва санъат турлари ўртасида тарихан узвий ва тизимли муносабат бор.

Адабиёт ҳам том маънода саналган беш санъат тури қаторидаги олтинчи санъат тури – сўз санъатидир. Адабиётнинг биронта тури (лирика, драма, эпос), биронта жанри (роман, ҳикоя, достон, трагедия, сонет, ғазал) йўқки, уларда инсон ва табиат муносабати ҳамда шу билан боғлиқ руҳий, биологик, ижтимоий, психологик муаммолар адабиётда ўта кенг планда бадиий акс этмаган бўлса. Мифология сўз санъатининг фольклоргача бўлган босқичи сифатида инсон ва табиат муаммоларини уйғун акс эттиради. А.Н. Веселовский ўзининг “Тарихий поэтика” асарида бундай синтезлашув жараёнлари ҳақида аниқ-тиниқ фикр юритади. Фикрларини синтез ҳодисаси акс этган миф, маросимга оид материаллар билан исботлайди⁴.

Инсониятнинг кейинги бадиий-тарихий тафаккур босқичи ҳисобланмиш фольклорнинг турли жанрларида бу масала акс этмаган бирон эпизодни топиш қийин. Ўзбек халқ эпоси ва эртақларида турли жониворлар иштирок этади, яна шундай эртақлар ҳам борки, улар тўлиғича муайян жонивор ёки йиртқич ҳақида ҳикоя қилади. Халқимизнинг мавсум ва маросим кўшиқларида ҳам турли табиат ҳодисалари – фасллар алмашинуви, кун-тун, ёмғир, қор, тўфон, сел, шамол, зилзила, экин экиш, ҳосил йиғиш, ўрмон, кўл, турли жониворлар, наботот, жамодот дунёси ҳақидаги махсус кўшиқлар, кўшиқ образлари ёки уларга муайян образли ишоралар изчил тарзда акс этади. Тарихан мураккаб кечган бу каби тадрижий жараёнларнинг қонунийлигини ўзбек мифологияси, фольклори ва мумтоз адабиёт намуналари ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган туркий уруғ, элат ва қабила вакиллари томонидан куйланган кўшиқлар фольклорнинг реал (физиологик) ҳаёт билан синтезланганига яққол мисол бўлади. Демак, дунё халқлари каби қадим туркий халқлар фольклорида ҳам инсон ва табиат муносабатлари реал воқелик, табиат ва унга оид ҳодисаларни кузатиш, табиат ва табиий жониворлар билан бевосита алоқада бўлиш натижасида идрокланган, бадиий тасвир этилган.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр”, “Садди Искандарий” достонларида ўсимлик, мева, дарахтлар, жониворлар, паррандаю даррандалар шу қадар батафсил тасвирланганки, буни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг нисбатан реал услубда, реалистик жанрда ёзилган “Бобурнома”сидаги Ҳиндистон тасвири билан бемалол солиштириш мумкин.

Инсон ва табиат муносабатларини поэтик тасвир этиш жараёнлари ўзбек адабиётининг нисбатан янги даври – XIX аср охири ва XX аср бошларида изчил давом этди. Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, Абдурауф Фитратнинг “Ўқув”, Абдулла Қодирийнинг “Улоқда” каби диний-маърифий, ўқув-услубий, бадиий-эстетик асарлари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқа қатор жаҳид муаллимлари дарсликлари бунга мисол бўла олади.

⁴ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.

“Муаммонинг ҳозирги ўзбек насрида талқин этилиши” мавзусидаги иккинчи фаслда инсон ва табиат муаммосининг кейинги тадрижий жараёнлари Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Шойим Бўтаев каби ижодкорлар насри Нормурод Норқобилов асарлари мисолида қиёсий-солиштирма таҳлил асосида ёритилган.

Умуман, XX аср ўзбек адабиётида табиат ва инсон муаммоси даврнинг сиёсий тазйиқлари исканжасида бўлсин, имкон даражасида бадиий акс этирилган. Аммо XX аср ўзбек насрининг нисбатан кейинги даврлари насрида инсон ва табиат муаммоси ўзгача талқинда, соф реалистик ракурсларда, бадиий жиҳатдан мураккаб семантика йўсинида тасвир этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бизнингча, Асқад Мухторнинг “Чинор”, Шукур Холмирзаевнинг “Чўлоқ турна”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Шойим Бўтаевнинг “Шох” асарлари инсон ва табиат муаммоларини адабий жараён ракурсида тадрижий ифодалашни нуктаи назаридан конкрет асосга эга. Чунки А. Мухтор асари ўзбек насрига оид дастлабки кўплинияли насрий жанр намунаси бўлиб, унда табиат ва инсон муаммоси ижтимоий-психологик муаммо тарзида тасвирланган. Ш. Холмирзаев ўзбек насрида биринчилардан бўлиб табиат ҳодисасининг натуралистик тасвирини беришга, натурал тасвир асосида юксак позитивистик фалсафани илгари суришга эришган. Т. Мурод эса инсон ва табиат муаммосига тамомила бошқача ракурсда қараган. Табиат ва одам уйғунлигининг психогенетик омилларини асос қилиб олган. “Шох” романи муаммога муаллиф киноявий нуктаи назарини татбиқ этиши билан оригиналдир. Айни пайтда, мустақиллик даври ўзбек насрида Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Лукмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой қизи, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам, Анвар Суюн, Санжар Турсун асарларида ҳам мавзуга доир жиҳатлар ёки инсон ва табиат муаммоси акс этган алоҳида қисса ҳамда ҳикоялар мавжуд. Хуллас, ушбу талқинлар наинки XX аср ўзбек насрида, ҳатто жаҳон адабиётининг инсон ва табиат талқинидаги азалий анъаналари ичида ҳам янгилик касб этади.

Мазкур фаслда А. Мухтор, Ш. Холмирзаев, Т. Мурод, Ш. Бўтаев асарлари О. Ёқубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов асарлари билан бадиий параллеллаштириш асосида таҳлил этилган, инсон ва табиат муаммосининг замонавий ўзбек насридаги тадрижий такомилли Нормурод Норқобилов ижодидаги етакчи тамойиллар балан қиёсланган, ижодкорнинг табиат тасвирини воқеа моҳиятига уйғунлаштириш усуллари бир қатор асарлари таҳлили мисолида кўрсатилган, назарий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқотнинг **“Нормурод Норқобилов ҳикоя ва қиссаларида инсон ва табиат муаммосининг реалистик тасвири”** муаммосини тадқиқ этишга бағишланган иккинчи боби икки фаслдан таркиб топган. Бобнинг **“Инсон ва ҳайвонот олами муносабатини реалистик тасвирлашда ҳикоя жанри имкониятлари”** деб номланган биринчи фаслида ёзувчининг бир қатор ҳикоялари ўрганилган.

Ўз авлоди вакиллари орасида нуфузли ўрин эгаллайдиган, инсон ва табиат муаммосини турли бадиий ракурсларда тасвирлаб келаётган ёзувчи Нормурод Норқобилов асарларида кўп ижодкорларнинг эътиборига тушмаган,

реал, натуралистик, шу билан биргаликда, наботот, ҳайвонот, жамодотга хос теран фалсафа оҳанглариға гувоҳ бўламиз. Мағзида инсон ва табиат муаммоси акс этган бундай фалсафий хулосалар ёзувчининг деярли барча ҳикояларида акс этган. Н. Норқобилов ижоди учун характерли бўлган бундай жиҳатлар унинг халқ ижодиёти, қишлоқларимиз одамлари турмуш тарзи, Ватанимиз табиати, қолаверса, жаҳон адабиётининг Л. Толстой, Ж. Лондон, Ч. Айтматов, С. Томпсон ижодий анъаналарини чуқур билиши билан боғлиқ. Узоқ йиллар Ўзбекистон телерадиокомпаниясида олиб борган илмий экспедиция ишлари, табиат тилини биладиган кўплаб ватандошларимиз билан ўтказган суҳбатлари, табиат сирларини жамият ҳодисалари билан уйғун кузатишлари, дашту далаларда кечган болалиги, ўсмирлик ҳаёти ёзувчининг она табиат ҳақида шундай оригинал асарлар ёзишига сабаб бўлган.

Шунингдек, ёзувчи ҳаёт йўли, тасаввур ва тафаккур олами ўзбек халқининг миллий қадриятлари, маиший, ижтимоий ва маданий-эстетик кечмиши билан пайваста шаклланади. Бинобарин, Нормурод Норқобилов насрий ижодининг майдонга келиши ҳам шундай фундаментал асослар билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчи ижодини синчиклаб ўқиб-ўрганиш шуни кўрсатдики, Н. Норқобилов ҳикоя, қисса ва романлари ўзбек фольклори, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”ида жамланган қадим туркий кўшиқлар, Навоий, Бобур, Гулханийлар ижодидан сув ичади. Шунинг билан биргаликда, замонавий жаҳон ва ўзбек адабиёти учун муҳим бадиий восита ролини ўйнаб келяпти. Яна бир муҳим томони, ёзувчининг болалиги тоғлар, қирлар, дашту далалардан иборат Қашқадарё муҳитида кечган. Бунда ёзувчи табиат ҳодисалари, табиий муҳит ва жониворлар ҳаётининг, унда кечаётган биологик, ботаник, зоологик жараёнларнинг шунчаки кузатувчисигина бўлиб қолмаган, балки ушбу жараёнларда ўзи ҳам бевосита иштирок этган. Инсон ва табиат муаммосининг бадиий адабиётда намоён бўлиши масалаларини ўрганган тадқиқотчи В. Романенко ўз номзодлик ишида асли тоғлик бўлган ёзувчи ва шоирлар ижодида инсон ва табиат муаммоси кўпроқ қаламга олиниши, аниқроқ тасвирланишини алоҳида таъкидлайди⁵. Бу жиҳат айнан Н. Норқобилов ижодий лабораториясига ҳам хос. У ёзган ҳикояларнинг аксарияти ёзувчи биографиясининг муайян босқичи билан чамбарчас боғланиб кетгани, улардаги натуралистик тасвир ушбу фикрни тасдиқлайди. Н. Норқобиловнинг биринчи ҳикоялар тўплами “Зангори кўл” 1987 йилда чоп қилинган. Илк тўпландан “Четдаги одам”гача (2018) давом этган ҳикоянавислик йўли – жуда узоқ ва машаққатли йўл. Шулардан келиб чиқиб, ёзувчининг инсон ва табиат мавзусида ёзилган ҳикояларини қуйидагича тасниф қилиш мумкин: 1) марказида инсон турувчи табиатга оид ҳикоялар (“Капалак”, “Бўғалоқ”, “Қашқа”, “Улоқчалар”, “Ваҳима”, “Кўшиқ ёки Мунг”, “Қизча”, “Чол ва бола” ва ҳ.к.); 2) табиатга хос бирон ўзгариш ёки ҳодиса ҳақидаги ҳикоялар (“Қуёш тутилган кун”, “Булоқ”, “Энатеп”, “Кекса тут” ва ҳ.к.); 3) бевосита наботот, жамодот, ҳайвонот ҳақидаги ҳикоялар

⁵ Романенко В.П. Человек и природа гор в художественной литературе Северного Кавказа. Эволюция взглядов и нравственный аспект проблемы. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Нальчик, 2008. – С. 19.

(“Оқ бўйин”, “Дўнгкалла”, “Аразчи чумчук”, “Қора бўри”, “Етим қолган гуллар” ва ҳ.к.).

Аслида, сюжет марказида инсон турадиган, табиат, наботот ва жамодотга доир воқеа-ҳодисалар асар қаҳрамони нигоҳи, ҳис-туйғулари призмасида кузатилиб, тасвир этиладиган ҳикоялар Н.Норқобилов ижодида муҳим ўрин тутди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами “Зангори кўл” даёқ бу типдаги мавзулар фаол ва изчил кузатилади. Тўпламга киритилган дастлабки ҳикоя “Капалак” номи билан юритилиб, унинг бош қаҳрамони Нусратдир. Ёзувчи бу ҳикоясида ҳаёти табиий майлларга қурилувчи бола психологиясини теран очди. Уни турли зиддиятлар меридианида кўрсатади. “Бўталок” ҳикояси эса ҳажман кичик бўлса-да, инсон ва табиат муаммосини очиб бериши нуқтаи назаридан катта эпик жанрлардан қолишмайди. Ҳикоя сюжети бош қаҳрамони Самандарнинг чавандоз отаси улоқдан оппоқина, ҳали сугдан ажралмаган бўталокни соврин сифатида ютиб келиши билан бошланади. Ёзувчи аста-секинлик билан бутун қишлоқ аҳолисини шу мўъжаз воқеа атрофида жамлайди. Шу тарзда инсон ва табиат муаммосини қаҳрамон бола тимсолида образли ёритиб беради. Ҳикоя марказида бола образи – Самандар туради. Барча воқеалар боланинг ҳолатлари, ҳаракатлари, ўй ва изтироблари асосида образли тасвир этилади. Ёзувчи “Қизча” ҳикоясида инсон ва табиатни поэтик муқояса ва мушоҳада қилар экан, башарият устига ўта улкан иснод ва айбни юклагани маълум бўлади. Чунки ҳикояда оила, демакки, башарият келажаги бўлган бола (қизча) одамлар орасидан ўзига меҳрибон дўст топа олмай, йиртқич бир жонивор – итдан паноҳ истайди ва топади. Бунда ёзувчининг бадиий маҳорати, фалсафий мушоҳадасининг кенглиги, айниқса, жондорлар психологиясини чуқур ўзлаштиргани, ҳис этгани муҳим аҳамият касб этади. Кичик эпик турга кирувчи ҳикоя жанрининг улкан имкониятлари майдонга чиқади. “Қуёш тутилган кун” ҳикояси бир қарашда табиат ҳодисасига дахли йўқдек туюлади. Ҳикоя воқеалари деярли ижтимоий, маиший майдонларда кечади. Аммо асар сўнгида ўқувчи муаллифнинг табиат ҳодисаси мисолида улкан умуминсоний муаммони кўтарганига амин бўлади. “Дўнгкалла” ҳикоясида ёзувчи ҳайвонот вакили бўлган дала сичқони – Дўнгкалланинг *“таржимаи ҳоли”*; *тадбиркорлиги ва уддабурунлиги, табиати, феъл-атвори, жажжи портрети, бошқалар билан муносабати* асосида инсон ва табиат муаммосини бадиий асослайди.

“Ёзувчи қиссаларида образ, тасвир ва ифоданинг натураллиги” масаласи ўрганилган иккинчи фаслда Нормурод Норқобилов насридаги натуралистик ифода етакчилиги таҳлилий ёритилган. Моҳиятига кўра, натуралистик тасвир ўн тўққизинчи асрда, Францияда пайдо бўлган “натурализм” адабий оқимининг етакчи тасвир тамойили бўлиб, унда нарса-ҳодисаларни табиатда қандай бўлса шундайлигича тасвирлаш поэтик мақсадга айлантирилган⁶. Бевосита табиат ва инсон муаммосини бадиий насрга татбиқ этган Жек Лондон, Э. Сетон-Томпсон, Ч. Айтматов, Ш. Холмирзаев,

⁶ Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 202-203.

Т. Мурод сингари ёзувчилар аслида натурализм оқимига мансуб саналмайдилар. Аммо уларнинг ижодий ниятлари, табиат, наботот, жамодотни борлигича ифодалашга бўлган уринишлари ўз-ўзидан натуралистик тасвири юзага келтиради⁷. Эпик жанрлар ичида натуралистик тасвирга етарлича имкон берадиган жанр қисса жанри, албатта. Нимага деганда, кичик эпик жанр бўлган ҳикояда бирон бир кичик воқеа, катта эпик жанр бўлган романда эса кенг қамровли ижтимоий воқеалар тизими, бир нечта сюжетлар линиялари етакчилиги маълум⁸. Бу борада қисса жанри масала моҳиятини чуқурроқ очиш, наботот, ҳайвонот, жамодот дунёсини натуралистик ёритишга мувофиқ келувчи жанр ҳисобланади. Қисса жанри марказида воқеа ҳам, воқеаларнинг кўламдор тизими ҳам турмаслиги, балки бу жанр марказини қаҳрамон ташкил этиши ушбу фикрни тасдиқлайди. Ёзувчи ижодида қисса жанри ҳикоядан кейин муҳим ўрин эгаллайди. Қисса жанрининг бир объект моҳиятини турли ракурсларда ёритиш учун берадиган ўзига хос имкониятларидан ёзувчи унумли фойдаланади. Нафақат инсон образи, кўп ўринларда наботот, ҳайвонот, жамодотга хос воқеа-ҳодисаларни қисса доирасида талқин этади. Айтиш ўринлики, Н. Норқобилов инсон ва табиат муносабатлари акс этган қиссаларининг аксарияти ҳайвонот олами билан боғлиқ. Ёзувчи баъзи бошқа бир қаҳрамонлар ёки ижтимоий, маиший мавзудаги қиссабоп воқеалар ҳақида ёзганда ҳам сюжет ва қаҳрамон тубига чуқурроқ кириб бориш мақсадида табиат, жамодот, ҳайвонот олаmidан унумли фойдаланади. Инсон образини очишда табиат элементлари етакчилиги кузатилади. Ёзувчи қиссалари қаҳрамонларининг шаҳар ва цивилизацияга яқин қишлоқ одамларидан фарқли “экологик тоза” ҳаёт тарзи, табиатга яқин феъл-атвори, она замин, тоғу тошлар, ўрмону ўтлоқлар, дарё ва кўлларга ўзгача муносабати акс этган манзаралари “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Тоғдаги ёлғиз одам”, “Тоғ одами”, “Ададсиз азоб” асарларининг мазмунини ташкил этади. Мазкур қиссалар орасида ахлоқий-фалсафий хусусиятларни умумлаштиришига кўра “Тоғ одами” асари алоҳида ажралиб туради. “Қорабўри” қиссасининг сюжет марказида ўзига хос феъл-атвори, физиологик тузилиши ноёб бир жондор – Қорабўри образи тасвирланади. Ушбу образ ва у билан боғлиқ воқеаларнинг бадиий тасвири асар марказидан қизил ип бўлиб ўтади. “Табиат йўриғи”га амал қилмаган инсон каби, бу йўриқни бузган жонивор ҳам она табиат томонидан аёвсиз жазоланиши ҳақидаги бадиий-фалсафий концепцияни ёзувчи Қорабўри қисмати мисолида бадиий асослайди.

⁷Қаранг: Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 320-345.

⁸Словарь литературоведческих терминов. Редакторы-составители Л.И.Тимофеев и С.В.Тураев. – М.: Просвещение, 1974. – 509 с.; Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978. – 351 с.; Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. Перевод с английского А.Зверова, В.Харитоновой, И.Ильина. – М.: Прогресс, 1978. – 152 с.; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 365 б.; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 392 б.; Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.

Қисса қахрамони Қорабўри табиий инстинкти билан жамият қоидаларига қарши бормасликка уриниб яшайди. Тўдани ҳам шу мантиқ асосида тарбиялаб боради. Қоидабузарларни шафқатсиз жазолайди. Аммо унинг ўзи билмаган ҳолда табиатнинг азалий қонунияти, “табиат йўриғи”га хилоф иш қилиб кўяди. Ёзувчи бунда йиртқичга хос нафсдан-да ёмонроқ хавф – инсон нафсини асосий сабаб қилиб кўрсатади.

Диссертацияда шу ва шу каби бадиий-фалсафий муаммолар ёзувчининг қатор қиссалари таҳлили орқали ёритиб берилган.

“Инсон ва табиат уйғунлиги роман концепциясининг асоси сифатида” деб номланган учинчи бобда ёзувчи қаламига мансуб “Дашту далаларда” ва “Қоракуюн” романлари таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида **“Дашту далаларда” романи образларининг тизимлиги** масаласини тадқиқ этиш кўзда тутилади.

“Дашту далаларда” романи концепциясини ташкил этувчи асослардан энг муҳими унда қатнашувчи қаҳрамонлар образидир. Марказий образлар ёрдамида ёзувчи ўзининг энг муҳим концепцияларини ифодалайди. Бошқа барча ёндош образлар мана шу марказий образларга боғланади. Зеро, ҳар қайси бадиий асар марказида инсон образи туради. Марказдаги одам образининг мукамаллиги роман концепцияси мукамаллигини ҳам таъминлайди. Н.Норқобилонинг “Дашту далаларда” романи ўзига хос образлар тизимига эга. Ундаги инсон образи ҳайвонот, наботот ёки жамодот образига параллел қўйилади. Натижада икки типга хос образ муқоясаси пайдо бўлади. Параллелликнинг роман аввалидан охиригача бир хил ушлаб турилиши инсон ва табиат муаммосини бадиий уйғунликда ифодалаш, тасвир этишга олиб келади. Романдаги образлар сюжет таркибида бажарган хатти-ҳаракатларига кўра қуйидагича тасниф этилди: 1. Романдаги персонаж-образлар тизими: а) Тўланбой, Эшқул полвон – бош персонаж (қаҳрамон)лар; б) Рўзиқул, Ойбарчин, Ойгул – персонаж (қаҳрамон)лар; в) Ҳайдар тоға, Эрали раис – иккинчи даражали персонаж (қаҳрамон)лар; г) Ўсар баттол, Умрқул, Асил чўтир, Қодирали, Чори майда, Фармонов, Саъдулла (Фармоновнинг ўғли), Шаҳарлик чиройли қиз, Мусаввир, Бойғози кал, Зарбуви, Сулаймон чавандоз – эпизодик персонаж (қаҳрамон)лар. 2. Наботот, ҳайвонот ва жамодот образлари тизими: а) Қорақулоқ, Бўзбўри – бош қаҳрамонлар; б) Жайноққўз, Қораманглай – иккинчи даражали образлар; в) Аждаҳо (Эшқул полвон ўйлаб топган рамзий образ), Ғажирқўз (урғочи бўри, тушдаги образ) – эпизодик образлар; г) Тошдара, Қоялидара, чайла тўридаги сураг – детал-образлардир.

Диссертацияда “Дашту далаларда” романи шу тасниф бўйича тадқиқ этилган, ундаги образлар таркибининг параллеллиги асосланган, майдонга келган бадиий концепция ҳақида муайян хулосалар илгари сурилган. Романнинг дастлабки жумласи ҳам тулки образи билан боғлиқ ҳолда шундай бошланади: “Тўланбой подани кунгай бетга ёйиб, ўзи тунд ва ҳафсаласиз бир қиёфада, ошиқмай, қуёшга терс тепаликка кўтариларкан, тўсатдан нигоҳи ёнбағирликда, қуриган сийрак тиканаклар орасида жон талвасада талпиниб,

